2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

9 (611)

2008 йил 27 февраль

Чоршанба

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Меҳр камёб эмас инсонларaро!
- Чинобод чиндан-да обод!

3
- Эр-хотин уришди! Дока рўмол қачон қуриди?
- Қўғирчоқ театри маҳаллага келди...

4
- Чой устига қуйилса чой...
- Картошка экиш ...эсдан чиқдими?

-саҳифада

# САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24-26 февраль кунлари Корея Республикасига ташриф буюрди.

Сеулдаги "Чонг Ва Дэ" қароргоҳида 26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойидаги Корея Республикасига давлат ташрифи асносида ўша кезлари Сеул мэри лавозимида ишлаган Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга икки мамлакат халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун "Сеулнинг фахрий фуқароси" унвонини берган эди. Сеулда бўлган бу галги Ўзбекистон—Корея саммити давлатларимиз ўртасидаги ҳурмат-эътиборга асосланган бундай самимий муносабатлар олий даражадаги дўстликка айланганининг яна бир тасдиғидир. Стратегик шериклик муносабатларини расмийлаштирган Ўзбекистон ва Жанубий Корея бугун ўзаро ҳамкорликни ана шу асосда ривожлантириб бормокда.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея технологик ва сармоявий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаганини қайд этиш жоиз. Ўзбекистон кореялик ишбилармонлар иштироки билан ишлаб чиқаришнинг ўта ноёб ва айни пайтда барқарор даромад келтирадиган соҳаси бўлган автомобилсозликни ўзлаштиргани бунга яхши мисол бўла олади. Замонавий технологияларнинг бугунги ҳаётдаги ўрни ғоят кенгайиб бораётгани сир эмас. 2005 йилнинг май ойида Корея Республикасининг ўша пайтдаги Президенти Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази очилди.

Маълумотларга қараганда, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 850 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Жорий йилда бу кўрсаткични 1 миллиардга етказиш кўзда тутилмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликда таълим, автомобилсозлик, тўқимачилик, ахборот технологиялари, нефть-газ, инфратузилма, қурилиш каби соҳаларда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан манфаатдор. Президент Ислом Каримов билан учрашувда Ли Мён Бак буни яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ҳам изчил ривожлантирмоқда. БМТнинг амалдаги Бош котиби Пан Ги Муннинг ушбу лавозимга номзоди Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватлангани Сеул расмий доиралари томонидан юксак қадрланади. Ўзбекистон Корея Республикасининг Шимолий Корея ва Жанубий Кореянинг ҳамкорлигини ривожлантириш орқали тинчликни мустаҳкамлаш ва Шимоли-шарқий Осиёни биргаликда ривожлантиришга қаратилган "Тинчлик ва фаровонлик" сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлайди. Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини, "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг "Sky Team" тизимига қўшилишини ёқлайди.

Тошкент ва Сеул халқаро терроризм, экстремизм ва наркобизнесга қарши курашда ҳамкорликда олиб борилган иш кутилган натижани бериши борасида ҳам ҳамфикр. Ўзбекистон—Корея саммитлари изчиллик касб этгани ҳам мамлакатларимиз, икки давлат раҳбарлари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат ва самимиятга асосланган муносабатлар қарор топганидан далолатдир.

Ислом Каримов ва Ли Мён Бак Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболига доир масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Мамлакатимиз раҳбари Сеул яқинидаги Инчон шаҳридаги "GMDAT" заводига ташриф буюрди. Бу ерда ўзлаштирилган технологиялар, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. "DAEWOO" компанияси Ўзбекистонда автомобилсозлик соҳасини ўзлаштиришда муҳим ўрин тутган. Айни пайтда мамлакатимиз "GMDAT" билан алоқаларни ривожлантирмоқда ва Ўзбекистонда "GM-Uzbekistan" қўшма корхонаси ташкил этилди.

"GMDAT" президенти Майкл Гримальди билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорликка доир лойиҳалар ижросининг бориши, янгиларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сеулга ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Korean Air» ва «Корея газ корпорацияси» ("КОГАЗ") раҳбарларини қабул қилди. Ушбу музокаралар Ўзбекистонга салкам 2 миллиард АҚШ долларига тенг инвестиция киритишни назарда тутадиган натижалар билан якунланди. Демак, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи самарали бўлди, эришилган келишувлар икки мамлакат халқлари манфаатларига узоқ муддат хизмат қилади, дейишимиз учун барча асослар бор.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент—Сеул—Тошкент.**

---

Қашқадарё вилояти

Кўрик-танлов якуни

## ҒОЛИБ — капитан оиласи

***Қарши сержантлар тайёрлаш мактабида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ва жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ ташаббуси билан "Энг намунали оила" кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

Унда зобитлар ҳамда оддий аскарлар ва уларнинг оила аъзолари қатнашдилар. Ҳарбий оилабошилар фарзандлар тарбияси, рўзғорда тежамкорлик, пазандалик борасида ўзаро беллашдилар.

Ўзига хос ва қизиқарли ўтган беллашувда биринчи ўрин капитан Элбек Мадаминов ҳамда лейтенант Фарҳод Каримов оилаларига насиб этди. Ғолиблар ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

---

Тараддуд

# САВОБГА ДАХЛДОР БЎЛИБ ЯШАЙЛИК

***Аллоҳ назар солган юртда яшаймиз, дейишади кексаларимиз. Ҳақ гап. Қору қировни кўриб ҳайратланадиган ёхуд ойлаб-йиллаб офтобни соғинадиган элу элатлар дунёда қанча? Бизнинг юртимизда эса тўрт фасл ўз вақти-иззати билан меҳмон бўлади. Аслида, шунинг ўзи ҳам толеимизга битилган энг катта бахт, шукронага ундовчи инъом эмасми?!***



Диёримизда ҳар бир фаслнинг ўз гашти, ўз таровати бор. Бироқ қай бир фаслни баҳорчалик соғинганмиз, баҳор сингари интиқ кутганмиз, баҳордек хушкайфият билан қарши олганмиз?

Мана, яна кўкламга пешвоз чиқиб турибмиз. Деҳқон даласига, чўпон яйловига ошиққан дамлар бугун. Олдинда эса — тараддуд. Бир талай юмушларни янги куч, янги иштиёқ билан адо этишга киришишимиз лозим. Демак, янгиланиш, уйғониш, яшариш фаслида биздан талаб этиладигани — ташаббус. Ташаббуски — яратувчанликка, бунёдкорликка ундовчи, янгиланишга ҳамоҳанг!

Заминни экиш мавсумига тайёрлаш, ерга уруғ қадаш, ариқ-зовурларни тозалаш, хонадонларга, кўчаю хиёбонларга гул ва дарахт кўчатларини экиш сингари баҳорги анъанавий ва масъулиятли юмушлар мавжудки, аслида бу ҳақда юртдошларимизга эслатиш, йўл-йўриқ кўрсатиш ортиқча. Шундай бўлса-да, бу йил баҳорги тараддуд, юмушларни адо этиш чоғида қандай чора-тадбирлар, масъулиятли ишлар тўғрисида мулоҳаза юритиш ўринли?

Маълумки, жорий йилга ўзига хос ном берилди: 2008 йил — Ёшлар йили. Демак, Ёшлар йилида амалга ошириладиган устувор вазифалар қаторидан ёшларга нафақат имкониятлар яратиш, балки уларда бугунги ислоҳотларга нисбатан фаол муносабатни шакллантириш масаласи ҳам қатъий ўрин олиши лозим. Бу борада давлат ва жамият ишларига айнан ёшларни кенгроқ жалб қилиш кутилган самарани бериши шубҳасиз.

Масалан, жорий йилда юртимиздаги ҳар бир ёш беш тупдан кўчат ўтказиш ёки гул экиш ташаббуси билан чиқса ва бу ташаббус йиғин оқсоқоллари, маҳалла фаоллари томонидан маънавий жиҳатдан рағбатлантирилса, тасаввур қиляпсизми, юртимиз бир йилнинг ичида қанчалик чирой очади? Табиийки, бу жараёнда маҳалла мутасаддиларининг тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим. Улар ёшларни мазкур хайрли ишларга даъват қилиши, ўқув муассасалари, ёшлар ташкилотлари кўмагида ўғил-қизларимизни эзгу мақсадлар атрофида жипслаштириши даркор. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони, ўзлари ўтқазган ниҳолларни парваришлаш юмушларига ҳам ёшларнинг ўзлари масъул бўлсалар-чи? Натижа қандай бўлади? Айтайлик, ҳар бир ёш ўзи экқан кўчатига ўзи рамзий ном қўйса ва мунтазам парвариш, ишлов берса, ҳам юртимиз обод бўлади, ҳам фарзандларимиз қалбида табиатга нисбатан меҳр мустаҳкамланади.

Давоми 2-саҳифада

---

Спорт

## ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ СОВРИНДОР

***Германиянинг Гамбург шаҳрида дзюдо бўйича ўтган жаҳон кубоги мусобақасининг иккинчи босқичида дунёнинг энг кучли спортчилари қаторида ҳамюртларимиз ҳам гиламга чиқди.***

Вазни юз килограммдан зиёд дзюдочилар беллашувида Абдулла Тангриев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Сўнгги баҳсда эса япониялик Ясуки Мунетага имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан кифояланди.

Яна бир ҳамюртимиз Хуршид Набиев оғирлиги 90 килограммгача бўлган дзюдочилар баҳсида бронза медаль билан тақдирланди.

***Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан эркаклар ўртасида ўтказилаётган "Фьючерс" таснифидаги мусобақада дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган теннисчилар қаторида ҳамюртимиз Важа Узоқов ҳам ғолиблик учун куч синашмоқда.***

## ТЕННИСЧИМИЗ БОШ СОВРИН УЧУН КУРАШАДИ

Халқаро турнирдаги иштирокини саралаш босқичидан бошлаган ўзбекистонлик ракетка устаси дастлабки учрашувда мезбонлар вакили Рави Кришна Паливелани 6:1, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Мусобақанинг асосий тур беллашувларига бериладиган йўлланма учун ўтказилган баҳсда Важа Узоқов яна бир ҳиндистонлик теннисчи — Мустафо Гузи билан беллашди. Кескин ва муросасиз ўтган баҳсда 7:6, 2:6, 6:3 ҳисобида зафар қучган ҳамюртимиз турнирни давом эттирадиган бўлди.

Халқаро турнир ғолиб ва совриндорлари 2 март куни аниқланади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

Mahalla



— Яна нима дейсиз?
— Кўклам келиб яна далага отланаркан-миз-да...

---

«Mahalla» хабарлари

Наманган вилояти

## ТАҲЛИЛЛАРДАН ВАЗИФАЛАР АЁН БЎЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури"нинг Наманган вилоятидаги ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил январь ойида вилоят ҳокимининг фуқаролар йиғини раислари, уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда маҳалла посбонларининг ўқувини ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисида махсус қарори қабул қилинганди.***

Яқинда ушбу ҳудудий ўқувнинг навбатдаги машғулотлари Норин туманида бўлиб ўтди.

"Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими, шаҳар, туман бўлинмалари ва қатор алоқадор ташкилотлар раҳбарлари, дин уламолари, отинойилар ҳамда Учқўрғон, Уйчи ва Норин туманларидаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этган ушбу тадбирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини риожлантириш ва такомиллаштириш орқали ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Аҳоли ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тарғибот ишлари олиб борилаётган бўлса-да, ўтган йил якуни бўйича жамланган таҳлилий маълумотлар ҳали бу борада кўплаб амалий ишлар бажарилиши лозимлигини кўрсатиб тургани алоҳида қайд этилди.

Ўқув-семинар машғулотида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов қатнашди ва сўзга чиқди. Нотиқ ўз сўзида фуқаролар йиғинлари фаолиятининг қонуний асослари, соҳадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирди. Бинобарин, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ун-ёғ маҳсулотларини аҳолига манзилли етказишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, вилоятнинг чегара ҳудудларида ноқонуний товар айланишининг олдини олиш ишларига маҳалла ва кенг жамоатчиликни жалб этишнинг самараси ҳақида алоҳида тўхталди. Шунингдек, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Н.Ражабов, соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Раҳмонов, вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи М.Опполов ва Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг вилоятдаги вакили А.Турсуновлар сўзга чиқиб, аёллар ва ёшлар, оила ва никоҳ масалаларига доир айрим муаммоларни атрофлича муҳокама этишди.

Ўқув-семинар сўнгида ўтган йил якунлари бўйича юқори натижаларга эришган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари тақдирланди.

**Маҳмуда ҚОДИРОВА,**
**"Mahalla" мухбири.**

---

Навоий вилояти

## ЯХШИ УРУҒ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

***Пахтачиликни ривожлантириш ва ундан мўл ҳосил етиштиришда янги навларнинг аҳамияти катта. Шу боис вилоят ғўза уруғчилиги бирлашмаси томонидан бу соҳага катта эътибор берилмоқда.***

Бугунги кунда бирлашмага қарашли Кармана тумани Қодир Раҳимов номидаги, Хатирчи тумани Абдухолиқ Ҳалимов номидаги элита уруғчилик хўжаликларида ғўзанинг "Ан-Боёвут-2" нави, Қизилтепа туманидаги Зарметан элита уруғчилик хўжалигида эса "Бухоро-6" нави кўпайтирилаётган бўлса, Кармана туманидаги Нарпай элита хўжалиги жамоаси янги истиқболли ғўза навини кўпайтириш билан шуғулланмоқда.

Ўтган йили бирлашмага қарашли 222 та фермер хўжалигида 5300 тоннага яқин уруғлик пахта етиштирилди. Кўкламги экиш мавсуми учун 3400 тонна уруғлик чигит ҳозирлаб қўйилди. Айни пайтда Кармана ҳамда Қизилтепа пахта тозалаш корхоналарида чигитларни саралаш, тозалаш ва дорилаш ишлари олиб борилмоқда.

Бирлашма томонидан супер элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида тендер танловлари ўтказилди. Натижада жорий йилда 263 фермер хўжалиги саккиз минг гектардан ортиқ майдонда уруғлик пахта етиштирадиган бўлди.

Айни пайтда мутахассислар уруғлик чигитни экиш мавсумига тайёрлаш ишларини назорат қилиб бормоқда. Уруғликни ўз вақтида хўжаликларга етказиб бериш мақсадида 45 та чигит сақлаш шохобчалари ташкил этилди.

Мақсад барча майдонларда элита навли уруғлик чигитини бир текис ундириб олиш ва пахта ҳосилдорлигини ошириш, режадан ортиқча уруғлик чигитни қўшни вилоятларга сотишдан иборат. Ўтган йили қарийб 400 тонна уруғлик чигит сотилган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич 600 тоннага етказилади.

**Ёркул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

---

Mahalla

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

Нашр кўрсаткичи:148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

«М.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмокда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Қашқадарё вилояти

## ЯНГИ КОН — ЯНГИ ИМКОН

***“Косон нефть-газ қидирув экспедицияси” шўъба корхонаси нафақат “Ўзгеобурғунефтгаз” акциядорлик компанияси, балки “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси тизимида ҳам ўз ўрни ва нуфузига эга.***

Вилоятнинг бепоён чўллари бағридан янги-янги нефть-газ конларини излаб топиш мақсадида ташкил этилган дастлабки “Нефть-газ разведка” жамоаси “Қизил-Работ”, “Қорахитой”, “Тошли”, “Сарича”, “Бешкент”, “Қўлшоқ” сингари конларни очиб, мамлакатимиз ёқилғи-энергетика мустақиллигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўтган йилги ишлар ҳар қачонгидан ҳам самарали бўлди. “Илим” нефть-газ майдонида учта излов-қидирув қудуқлари пармаланиб, “Чўлқувар” нефть-газ майдонидаги қудуқдан газ, газ конденсати, “Хонобод” майдонидан саноатбоп нефть маҳсулоти олинди. “Илим”даги 4-сонли, “Хонобод”даги 1-сонли, “Шакарбулоқ” конидаги 22-сонли ҳамда “Жанубий Тандирчи”даги 46-сонли қудуқлар фойдаланиш учун “Шўртаннефтгаз” унитар шўъба корхонасига топширилди.

— Жамоамиз асосан ёш кадрлардан иборат, — дейди шўъба корхона раҳбари Улфат Омонов. — Шу боис ҳам Ёшлар йилида режаларимиз катта. “Илим”, “Сарбозор”, “Чунагар”, “Янги Қоратепа”, “Хонобод”, “Илонли”, “Чўлқувар” ва “Янги Мирмирон”, “Шеркент” нефть-газ майдонларида катта ҳажмдаги ишларни олиб борамиз. Саккизта қудуқда бурғилаш, еттита қудуқда қурилиш юмушларини ниҳоясига етказамиз. Бундан ташқари, йил давомида бир қатор қурилиш ва ободонлаштириш, хайр-саховат йўналишидаги ишларни ҳам амалга оширишни режалаштирганмиз.

**Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ**

Тараддуд

# САВОБГА ДАХЛДОР БЎЛИБ ЯШАЙЛИК

***(Давоми. Аввали 1-саҳифада)***

Халқимизда баҳорги юмушлар билан боғлиқ яна бир миллий қадрият бор. Яъни кўпнинг юмуши кўпчилик билан битади, деганларидек, кўклам кириши билан маҳалла-кўйда анъанавий ҳашарлар ўтказилади. Кексаю ёш ҳашарга чиқиб, ҳамжиҳатликда умумхалқ ишига баҳолиқудрат бош қўшади. Аслида бунда ҳам ҳикмат кўп. Бироқ ҳашарлар ўтказилаётганда унинг моҳиятига, аҳамиятига ҳар доим ҳам етарлича эътибор қаратяпмизми?

Масалан, 10 минг чоғли талаба таҳсил оладиган, яна минг чоғли меҳнат жамоаси фаолият юритадиган олий ўқув юртларимиз бор. Кўпсонли ўқувчиларни бағрига олган мактабу лицейларимиз, коллежу ўқув марказларимиз қанча? Хўш, умумхалқ ҳашари кунларида нега ўқув даргоҳларининг минглаб ёшлари ўқув юртининг дўппидек келадиган ҳовлисини тозалаш, кафтдеккина ерини чопишу текислаш билангина кифояланадилар. Бошқа ташкилоту идоралар ходимлари-чи? Ахир ҳар ким ўз уйини, ўз иш жойини обод қилиш билан овора бўлса, маҳаллани обод қилишга, кўкаламзорлаштиришга ким бош қўшади? Шу боис, бугун ҳар бир юртдошимиз, каттами кичикми турли ташкилот ва идоралар меҳнат жамоаларининг раҳбарлари, мутасаддилари бу борада янада фаол, янада ташаббускор бўлсалар, ўйлайманки, маҳаллаларни ободу кўркам қилиш хусусида ортиқча қайғуришга ҳожат қолмаса керак.

Яна бир гап. Баҳор — байраму шодиёналарга бой фасл. Мана, ҳадемай юртимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонлаймиз. Кўп ўтмай, Наврўз айёми хонадонимизга, маҳалла-кўйга, юртимизга қувончли дамларни олиб киради. Хўш, ушбу байрамларга тараддудимиз қандай? Байрам кунларида эл-улус қувончига қандай улуш қўшамиз? Томошаю сайиллар ўтказиш борасидаги режаларимиз-чи? Бунда ёшларнинг иштироки қай даражада бўлади?

Албатта, ушбу саволлар бугун биринчи галда маҳалла ишига дахлдор инсонларни ўйлантириши аниқ. Айтайлик, ўйинқароқ болакай, қизиққон ўсмир, балоғат остонасидаги йигит-қиз учун Наврўз нимаси билан қадрли? Бу байрамнинг айниқса ёшларимиз учун эсда қоларли ўтиши учун нима қилмоқ керак? Демак, байрам муносабати билан маҳалла гузарларида, томошагоҳу сайилгоҳларда уюштириладиган шодиёналар каттаю кичикка бирдек хушкайфият улашиши лозим. Бунинг учун айтишув, лапар, тез айтиш, кўпкари, арқон тортиш, кураш, хўроз уриштириш сингари қадимий халқ ўйинлари, анъанавий мусобақа ва беллашувларга кенг ўрин берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, шундагина чавандоз кўпкарида ютиб олган совринига ҳар гал кўз ташлаганда, полвонликка ҳавасманд ўсмир моҳирлик билан рақибининг курагини ерга теккизганини хаёлидан ўтказиб қувонганида, қиз-жувонларимиз лапарлар айтганида, беихтиёр Наврўз айёмини эсга олишлари, Наврўзга нисбатан меҳр-муносабати мустаҳкамланиши табиий.

Бир саховатпеша инсондан эшитгандим:

— Наврўз арафасида маҳалламизда ёлғиз яшайдиган отахоннинг хонадонига совға кўтариб бордим, — дейди у. — Ўшанда отахоннинг қувонганини кўрсангиз эди. У киши узундан-узоқ дуо қилдилар ва кетар чоғимда «Болам, совға кўтариб келибсиз, бунинг учун сизга мингдан-минг раҳмат. Лекин мени энг қувонтиргани эслаганингиз, йўқлаганингиз бўлди. Илоё, кўп яшанг!» деб миннатдор кузатиб қолдилар. Шу-шу бўлди-ю, имкон топилди дегунча, меҳрга, мурувватга муҳтож инсонларнинг истиқболига ошиқаман, уларнинг дуосидан, миннатдорчилигидан таскин топаман.



Дарҳақиқат, савобли юмушларга дахлдор бўлиб яшаш — юртдошларимизга хос фазилат. Зеро, Наврўз байрами арафасида ҳам бундай хайрли ишлар халқ орасида янада жонланиши барчамизга яхши маълум. Жорий Ёшлар йилида эса бу борадаги ишларимиз кўламини янада кенгайтиришимиз лозим. Хусусан, маҳаллаларда яшовчи ёлғиз кексалар, бева аёллар, кам таъминланган оилалар уй-жойларини таъмирлашга, баъзи ҳолларда томорқа юмушларини саранжомлашга кўмаклашиш юмушлари бевосита ёшлар томонидан, ёшлар ташаббуси билан амалга оширилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу мақсадда айни кунларда маҳалла ёшларидан иборат, кўчабошилар, маҳалла фаоллари бошчилигида кўнгилли ёшлар гуруҳларини тузиб, ишга киришиш зарур, назаримда.

Бугун аҳоли маҳалланинг гапини олади, оқсоқолнинг сўзига қулоқ тутади, изидан эргашади. Қолаверса, маҳалла аҳоли хонадонларига эмин-эркин кириб борадиган, улардан ҳол-аҳвол, зарур бўлса кўмак сўрайдиган имкониятга, ваколатга эга. Демак, бугун Наврўзолди тарғибот-ташвиқот ишларига киришишнинг айни пайти. Шу кунларда бажарадиган юмушларимиз қалбимизга кўтаринкилик олиб кирадиган баҳорий кайфиятимизга монанд бўлиши даркор. Зотан, бугунги ташаббус эртага бўй кўрсатиши аниқ.

**Фаррух БЎТАЕВ**

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

Қорақалпоғистон Республикаси

Бўлинма фаолиятидан

***“Маҳалла” жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ташаббуси билан ўтказилган кўргазмали ўқув-семинарда кейинги йилларда халқ хўжалигининг барча тармоқларида сезиларли ютуқларга эришаётган Қораўзак туманидаги маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларининг фаолияти, тажрибалари хусусида атрофлича сўз юритилиб, фуқаролар йиғинлари томонидан бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар белгилаб олинди.***

## ҚОРАЎЗАКда КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Тадбирда қатнашган “Маҳалла” жамғармаси шаҳар ва туман бўлинмалари мутасаддилари, фуқаролар йиғинларининг ходимлари дастлаб тумандаги Қоракўл овул фуқаролар йиғини фаолияти билан танишдилар.

Марказдан анча олисдаги Қораўзакда ҳомий ташкилотларнинг амалий кўмаги билан 8 та овул, битта поселка ва 4 та маҳаллада кам таъминланган оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, болалар спортини ривожлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилган. Ўтган йил давомида 76 та кам таъминланган оилага салкам 6 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, 17 та ночор оиланинг турар-жойлари таъмирланиб, бунинг учун 3,5 миллион сўм сарфланди. Икки нафар ногирон ўсмирга компьютер жамланмаси, 3 та оилага қорамол совға қилинди. Бу хайрли ишларга 13 нафар ишбилармон, 17 нафар фермер, 3 та йирик ташкилот ҳомийлик қилди.

Тадбир сўнгида “Маҳалла” жамғармаси туман бўлинмаси томонидан ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳомий ташкилотлар вакилларининг тизим ишига қўшаётган ҳиссаси ва кўмаги эътироф этилиб, муносиб тақдирланди.

**Асил БЕК,**
**“Mahalla” мухбири.**

Бухоро вилояти

## *“Ёшларимиз ҳунарли бўлади”*

***Бухоро шаҳрида жойлашган Баҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳалла йиғини ҳудудида 5 минг 460 нафар фуқаро истиқомат қилади. Маҳалла аҳлининг 60-65 фоизи ёшлардан иборат. Маҳалла фаоллари томонидан ёшларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш, уларни касб-ҳунар ўрганиш, фойдали меҳнатга жалб қилиш, турли йўналишдаги спорт тўгаракларида иштирокини таъминлаш борасида кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунинг самарасида кейинги йилларда маҳалла ҳудудида ёшлар ўртасида бирорта ҳам жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилмаган.***



— Маҳалламиз ҳудудида бир неча спорт тўгараклари фаолият юритмоқда. Ўндан ортиқ ҳунарманд ва тадбиркорларимиз эса ёшларга касб-ҳунар ўргатишмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Маҳбуба Бозорова.

**СУРАТДА:** *маҳалла раисаси М.Бозорова ҳудуд профилактика нозири Ойбек Қурбонов билан ёшлар иштирокида ўтадиган тарбиявий тадбирлар режасини тузишмоқда.*

**Ҳамроз АЛИ сурат-лавҳаси.**

Андижон вилояти

Иш билганга балли

## ЧИНОБОДга чирой қўшган МЕҲМОНХОНА

***Балиқчи туманидаги Чинобод қишлоғининг бир чеккасида жойлашган ташландиқ майдонча бу ердан ўтган-кетган йўловчиларнинг таъбини хира қилар эди. Ниҳоят чинободлик тадбиркор ташаббус билан чиқди:***



— Бу ерда шундай бунёдкорлик ишлари амалга ошириладики, қурилажак бино кўпчиликнинг корига ярайдиган, қишлоқ чиройига чирой қўшадиган иншоот бўлади, — деган эди ўшанда тадбиркор Зоҳиджон Мўминов сўраганларга.

Дарҳақиқат, З.Мўминовнинг ташаббуси билан қисқа вақтда кўркам бино қад ростлаб, қишлоққа келаётган меҳмонларга қўноқ вазифасини ўтовчи 20 ўринли меҳмонхона ҳамда бир вақтнинг ўзида 120 нафар кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган тамаддихона мажмуаси ҳам фойдаланишга топширилди.

Дарвоқе, айни пайтда замонавий жиҳозлар билан таъминланган мажмуада маросимлар зали ҳам ишлаб турибди. Янги иншоотнинг ишга туширилиши муносабати билан қишлоқнинг 20 нафар фуқароси иш билан таъминланди.

**Одилжон ЖЎРАЕВ**

**СУРАТДА:** *Чинободда фойдаланишга топширилган меҳмонхона биноси кўриниши.*

Эътибор ва эътироф

# ЮКСАК МАҚОМЛАРГА МУНОСИБ ШАҲАР

**Мамлакатимиз пойтахти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қадимда Шош деб аталган ушбу шаҳар узоқ ўтмишга эга. XIX асрнинг охирларида шаҳар ҳудудидаги боғу роғлар, чинору мажнунтоллар, сўлим хиёбону гузарлар сабаб Тошкентга “Дунёдаги энг кўкаламзор шаҳар” мақоми берилган.**

Қолаверса, ўтган асрнинг 30-40-йилларида рўй берган қаҳатчилик, очарчилик, Иккинчи жаҳон уруши даврларида Тошкент юртимизга узоқ-яқин ўлкалардан келган ўн минглаб оилаларга бошпана, паноҳ бўлди. Ўша даврларда ўз ризқини ана шундай оилалар билан баҳам кўрган, нафақат ризқини, балки меҳрини ҳам аямаган шаҳар аҳлининг меҳмондўстлиги, олийҳимматлиги, бағрикенглиги туфайли Тошкент “Нон шаҳри” деган номга ҳам сазовор бўлди. 1966 йилда эса Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон мамлакатлари ўртасида тинчлик шартномаси имзоланиб, пойтахтимиз “Тинчлик шаҳри” деб эътироф қилинди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, пойтахтимиз кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари марказига айланди, десак тўғри бўлади. Хусусан, шаҳар ҳудудида жойлашган тарихий обидалар, иншоотлар бутунлай қайтадан таъмирланиб, янгидан-янги осмонўпар бинолар, замонавий иншоотлар қад ростлади. Бир сўз билан айтганда, истиқлол йилларида Тошкент ҳам тарихий, ҳам замонавий шаҳар сифатида дунёга қайтадан танилди. Жумладан, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши пойтахтимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди. Зеро, Тошкентнинг бундай юксак мақомга эришишида халқимизнинг ислом маданияти, фалсафаси, илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси, юртимиз тарихий обида ва меъморчилик намуналари, ислом динига оид қўлёзма манбаларга бойлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Президентимиз мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим тарихий воқеа муносабати билан “Туркистон-пресс” ахборот агентлигига берган интервьюсида хусусан шундай фикрларни таъкидлаган эдилар: “...агар тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ҳоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф, аввало ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданиятига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”.

Ҳа, ISESCOнинг инсоният цивилизациясига, ислом маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган шаҳарларга “Ислом маданияти пойтахти” мақомини бериши мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш, ислом маданияти, маърифий-маънавий меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш каби мақсадлардан келиб чиққан хулоса эди.

Мусулмон олами мутахассислари ва бошқа олимларнинг эътироф этишича, ислом дини ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш борасида ҳеч қайси мамлакат олимлари Ўзбекистон заминида яшаб ижод этган алломалар каби жонбозлик кўрсата олмаган. Жумладан, Имом ал-Бухорий ҳазратлари умри давомида не-не заҳмату машаққатлар чекиб жамлаган ҳадислари тўплами — “Саҳиҳи Бухорий” барча мусулмонлар учун Қуръони Каримдан кейин иккинчи муқаддас манба ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу ҳадислар тўплами Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)нинг ҳаёти, ислом дини тарихи, Арабистон ярим ороли, хусусан, Макка ва Мадина шаҳарларининг тарихи ҳақида маълумот берувчи бебаҳо манба сифатида ҳам қимматлидир. Қолаверса, Истиқлол йилларида юртимизда Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари — Имом ат-Термизий, ал-Мотуридий, ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Журжоний, Али Қушчи, Фарғоний, Марғиноний ва бошқа кўплаб улуғ сиймолар номлари эъзоз топиб, уларнинг ижодий меросини ўрганишга жиддий эътибор қаратилиши ҳамда Амир Темур ва темурийлар даври меъморий ёдгорликлари қайта тикланиши ҳам Тошкентнинг ушбу шарафли мақомга эришишига асос бўлди, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, бугун Тошкент шаҳрига ҳар қандай юксак мақом, юксак эътироф ярашади. Зеро, юртни обод этиш борасидаги давлатимиз, Юртбошимиз, халқимизнинг саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари, меҳнати ҳали кўп йиллар давомида ўз самарасини кўрсатиши тайин.

**Г.МИНОВАРОВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.**




ТУРКИЯ:

## ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР БУЗИЛМАЯПТИМИ?

***Туркия бош вазири Режеп Тайип Эрдоғаннинг баёнот беришича, Курдистон ишчилар партиясининг (КИП) қуролланган отрядларига қарши жанговар операциялар ниҳоясига етгач, Туркия қўшинлари Ироқнинг шимолий ҳудудларидан чиқиб кетади.***

Эрдоғаннинг сўзларига кўра, Туркия халқаро ҳуқуқий меъёрлардан келиб чиққан ҳолда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ироқ ҳудудида ҳарбий кучларини ушлаб турибди ва Туркия ҳукумати шу пайтда қадар КИП вакиллари билан ҳеч қандай музокара олиб бормаган, кейинчалик ҳам музокара қилиб ўтиришни лозим топмайди. “Биз ҳуқуқий меъёрларга зид бўлган хатти-ҳаракатлар қилганимиз йўқ, келгусида ҳам меъёрлар бузилишига йўл қўйилмайди”, деди Туркия бош вазири.

Туркия қўшинлари жорий йилнинг 21 февраль куни Ироқнинг шимолий ҳудудида жанговар амалиётларни бошлаган эди. Маълумотларга кўра, мазкур амалиётларда 10 минг нафарга яқин турк ҳарбийлари иштирок этмоқда. Ҳарбий тўқнашувларда 153 нафар курд жангариси ва 17 нафар турк ҳарбийси ҳалок бўлган.

ИСРОИЛ:

## 80 ЁШЛИ, АММО БЕҲУШ ШАРОН

**Маълумки, Исроил давлатининг собиқ бош вазири Ариэль Шарон 2006 йилнинг 4 январида кенг қамровли инсульт хасталигидан сўнг кома ҳолатига тушиб қолган эди. Шу боис у ўзининг 80 ёшини ҳам шифохонада, беҳуш ҳолатда “нишонлади”.**



Собиқ бош вазирнинг туғилган кунини унинг оила аъзолари ва яқинлари ҳам катта тантана қилмай, рамзий маънода нишонлашди холос. Сабаби, Шароннинг ўғли Омри сайлов кампаниясини ноқонуний равишда молиялаштирганликда айбланиб, ушбу ҳафтада 7 ой муддатга қамоққа олиниши кутилмоқда.

Ариэль Шароннинг сиёсий фаолияти хусусида шундай маълумотлар бор: у Исроилдаги барча урушларнинг “фахрий”си, Ғазо секторига бўлган ҳарбий юришларнинг 38 йиллик тарихига якун ясаган “марза тортиш” дастурининг муаллифи, фаластинликларнинг жанговар ҳужумларига қарши ҳимоя вазифасини ўтаган “мудофаа девори” бунёд этилишининг ташаббускоридир.

Шифокорлар Шароннинг соғлиғини тиклаш учун бир нечта мураккаб жарроҳлик муолажаларини амалга оширишди. Шундан сўнг у нейрожарроҳлик бўлимидан реабилитация марказига ўтказилди.

АҚШ:

**Америка президентлигига номзодлардан бири Барак Обаманинг мусулмонлар кийимига ўхшаш либосдаги сурати АҚШдаги машҳур янгиликлар сайтида пайдо бўлди. Ушбу сайт соҳибининг таъкидлашича, мазкур суратни унга Обаманинг рақиби бўлган Хиллари Клинтон хонимнинг сайлов штабидаги ходимлардан бири тақдим этган эмиш.**



## ОБАМАнинг ЛИБОСИ ШОВ-ШУВ ҚЎЗҒАДИ

Бундан олдин ҳам Хилларининг тарафдорлари Обаманинг болалик даври мусулмон давлати ҳисобланган Индонезияда ўтганлиги ва унинг ўзи ҳам мусулмон динига мансуб эканлигига шаъма қилишган эди. Бироқ аниқланишича, ушбу сурат 2006 йилда Обаманинг ота юрти бўлмиш Кенияга бўлган ташрифи чоғида олинган. Унинг эгнидаги кийим эса мусулмонларнинг эмас, балки кенияликларнинг миллий либоси экан.

Шуниси қизиқки, Обамани доимо ташқи сиёсатда етарли тажрибага эга эмасликда айблашар эди. Эндиликда маълум бўлишича, у АҚШ сенати делегацияси таркибида хорижий давлатларга расмий ташриф буюрган экан.

Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, Хиллари Клинтоннинг бундай йўл тутиши АҚШ аҳолисининг иккала партияга бўлган ҳурматини сўндириш билан бирга, Американинг дунёдаги мавқеига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Клинтон хоним эса сурат билан боғлиқ воқеалардан аввал бошданоқ бехабар бўлганини маълум қилмоқда.

BBCнинг хабар беришича, АҚШда Клинтон-Обама номзодлари атрофидаги можаролар кундан-кунга авж олмоқда.

**Хориж матбуоти асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.**

Истиқлол берган имкон

Самарқанд вилояти

# “БЕКОРЧИЛАР БИЗДА ЙЎҚ” —

## дейишади қорағуппаликлар ғурур билан

***Пастдарғом томонларга йўлингиз тушиб, одамлардан Қорағуппа маҳалласини сўрасангиз, “Э-э, диванчилар маҳалласини айтяпсизми?”, дейишади кўпчилик. Дарҳақиқат, аҳолиси сони 3000 нафарга яқин мазкур маҳалланинг қўлигул усталари ясаган ҳар қандай меҳмонхонаю ошхонага ўзгача файз ва кўрк берувчи мебель жиҳозлари довруғи вилоятдаги бошқа туманларгача етган. Маҳалладошларнинг аксарияти мебелсозлик ҳунарини эгаллаган.***

— Маҳалламизда азалдан ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланадиган, эшикром, эгар, бешик ясайдиган усталар кўп бўлган. Кейинги авлод вакиллари эса маҳаллий ҳунармандчиликда туб бурилиш ясаб, замонавий кўринишдаги кўркам, урф бўлган мебель жиҳозлари, уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар, — дейди маҳалла оқсоқоли Отабек Тўрақулов. — Жумладан, маҳалламизнинг тажрибали усталаридан бири Султонмурод Сатторов Андижонга бориб, у ерлик ҳунармандлардан тажриба алмашиб қайтгач, устахоналаримизда илк бор диван, юмшоқ курси, ошхона жиҳозлари ясала бошланди. Яна бир маҳалладошимиз Ўроз Ҳамидов эса стол-стул ясашда энг моҳир уста саналади. Айнан унинг ташаббуси билан ҳудудимиздаги 44-мактабда бир нечта ҳунармандчилик тўгараклари ташкил этилиб, уста-шогирд анъанаси асосида ёшларга ҳунар ўргатиш ҳам йўлга қўйилди. Ҳунармандларимиз “Ҳунарманд” уюшмаси ҳамда “Усто” бирлашмаси вилоят бўлимлари билан яқин алоқа ўрнатишган.

Ҳозиргидек эсимда, бундан ўн йил муқаддам кучга кирган Республикамиз Президентининг “Халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони усталаримизни жуда руҳлантириб юборганди. Ҳозирги вақтда маҳалламизда ўн турдан ортиқ ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти.

Қорағуппаликларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача қарийб барчаси ана шу юмуш билан машғул. Айниқса, ёшларимизнинг ҳунар ўрганишга иштиёқмандлигини кўриб хурсанд бўламиз. Кўчада биронта ҳам бекорчини кўрмайсиз. Маҳалламизда ҳар йили эрта баҳорда минглаб мевали, манзарали, айниқса, ёғочбоп дарахтлар экилади.

Қорағуппа ҳунармандлари ҳар қанча ғурурлансалар арзийди, чунки улар ясаган бежирим диванлар, мебеллар, стол-стуллар Самарқанд шаҳри, қўшни Иштихон, Каттақўрғон, Оқдарё туманлари бозорларида энг харидоргир маҳсулот ҳисобланади. Қолаверса, бу маҳаллада ҳунармандчилик борасида ота касбини давом эттираётган ёшлар жуда кўп. Уста Султонмуроднинг ўғли Самариддин Сатторовни, усталар Абдураим Ражабов ва Умар Турсуновни Пастдарғом томонларда кўпчилик танийди. Эндигина йигирма етти ёшга кирган бўлишига қарамай, мебелсозликда катта тажриба орттирган ҳунарманд, “Ташаббус — 2007” кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичи ғолиби Фаррух Отамуродов вилоятда машҳур ёш усталардан.

Ҳунармандларнинг ҳомийлиги асосида маҳаллада ободончилик ишлари авж олиб, кам таъминланган оилаларга моддий-маънавий кўмак кўрсатиш кўлами ҳам кенгайган. Маҳалла маркази кенгайтирилиб, сартарошхона, турли маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўконлар, пойабзал тузатиш устахонаси ишга тушган.

**Рустам ҲАЙИТОВ,**
**“Mahalla” мухбири.**

Сурхондарё вилояти

Йиғинда кимлар ишлайди?

# ОҚСОҚОЛ РАБОТНИ ОБОД ҚИЛИБДИ

***Бойсуннинг қадимий Работ қишлоғидамиз. Асфальт йўлнинг икки кифтида қад кўтарган турнақатор уйлар — шинам, ораста, саранжом-сариштa. Маҳалла гузаридаги сартарошхона, новвойхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси, бир неча савдо ва тижорат дўконларидан одамлар қадами узилмайди. Маҳалла идораси кўркам бинода жойлашган. Оқсоқол Абдурашид Муродов, котиб Муҳаммади Эрмаматов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Мавлуда Қурбонова ҳамда посбонлар сардори Илҳом Тоғаевларни “Энг ибратли оила” кўрик-танловини ўтказишга тараддуд кўриб турган пайтда учратдик.***

— Ўтган йил давомида ҳам кўплаб маданий-маърифий, ҳуқуқий мавзуларда тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказган эдик, — дейди Абдурашид Муродов, — “Уч авлод учрашуви”да маҳалламизнинг обрўли кишилари, нуроний отахонлари, мунис онахонлари ҳамда ёшлар иштирок этишди. “Балли, қизлар” кўрик-танлови ҳам анча қизиқарли ўтди. Айни кунда “Энг ибратли оила” кўрик-танловини ўтказиш баробарида қарийб 821 оилани ўрганамиз, уларнинг турмуш тарзи билан танишиб, ибратли жиҳатларини оммалаштирамиз. Илғор фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар бундай тадбирларга ҳомийлик қилишади.

Ҳа, маҳаллада оқосоқол Абдурашид Муродов бошчилигида амалга оширилаётган диққатга сазовор ишлар талайгина. Хусусан, Работда тоза ичимлик суви муаммо эди. Шунинг учун одамлар ҳовуз сувидан истеъмол қилишарди. Оқсоқол қишлоқ аҳли кўмагига таянди. Қисқа фурсатда сув тармоғи тубдан таъмирланди, қувурлар алмаштирилгач, жўмраклардан зилол сув оқа бошлади. Бунга қўшимча равишда яна 24 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Работдаги умумтаълим мактабида 619 нафар ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Қиш мавсумида иситиш тизимининг носозлиги туфайли синфхоналарнинг яхши исимаслиги ўқувчи ва ўқитувчиларга қийинчилик туғдирарди. Йиғин ва мактаб маъмурияти ташаббуси билан саховатпеша кишилар ёрдамида иситиш тармоғи таъмирланди. Бундан ташқари, ўтган йилда юзга яқин хонадон газлаштирилди.

Абдурашид ака ёшлар камолотида спортнинг аҳамияти катта эканлигини яхши билади. Шу боис у маҳалла болалари учун спорт майдончасини барпо этиш ташвиши билан елиб-югурди. Натижада маҳаллада замонавий футбол майдончаси фойдаланишга топширилди. Мазкур ўйингоҳ ёнидан теннис ва волейбол майдончалари ҳам жой олди. Ҳозирда ушбу спорт мажмуаси маҳалла ёшлари билан гавжум. Кураш, бокс ва каратэ ишқибозлари учун махсус тўгараклар фаолият юритмоқда. Работда спортни оммалаштириш ва спорт анжомларини харид қилиш учун “Маҳалла” жамғармасининг туман бўлинмаси 700 минг сўм миқдорида маблағ ажратди.

Маҳаллада амалга оширилаётган ободончилик ишларининг кўлами кенг. Ўтган йили 20 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун томорқа ерлари ажратиб берилди. Қишда лой, ёзда эса чанг бўлиб ётадиган бир километр масофадаги йўлга шағал ётқизилиб, равонлаштирилди.

**Омон ШУКУРОВ,**
**“Mahalla” мухбири.**

Хоразм вилояти

# Гузарларда театр томошаси

**Хоразм Давлат қўғирчоқ театри маъмурияти ва ижодкорлари воҳадаги маҳаллалар аҳлини ўзига хос туҳфа билан хушнуд этишмоқда.**

Театрнинг ижодий жамоаси маҳалла гузарларида «Афанди ҳангомалари», «Туҳмат тошни ёрар», «Эгри ва тўғри», «Жалолиддин тулпори», «Йўлдош банги», «Никоҳ узуги», «Болалигим — подшолигим» каби спектаклларни ва концерт дастурларини намойиш қилишмоқда.

Умидбек Дўстов, Юсуфбой Юсупов, Қувондиқ Сафаров, Нуқулжон Раҳимова, Умрбек Оллаберганов, Давронбек Исмоилов каби санъаткорлар ижоди каттаю кичик маҳалладошларда яхши таассурот қолдирмоқда.

— Мақсадимиз ўз санъатимиз орқали хоразмлик маҳалладошларга қувонч ва шодлик улашишдан ташқари, уларни спектаклларимизда урғу берилган Ватанга садоқат, оилага меҳр, фарзандлар келажагига эътибор каби мавзуларда мулоҳаза юритишга чорлашдир, — дейди театр раҳбари Давронбек Отабоев. — Томошаларимизда ёшларимиз учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мавзулар кўтарилади. Бу спектакллар орқали ёшларимизнинг қалбида Ватанга садоқат, эзгуликка интилиш, ҳалоллик каби туйғуларнинг мустаҳкамланишини истаймиз.

**Абдулла САФОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Ҳомийлар бор бўлсин!



# «Меҳрибонлик» уйлари «МЕҲРЖОН-СПОРТ»дан мурувват кўрди

***«Меҳржон-спорт» республика хайрия жамоат фонди ўз фаолияти давомида юртимиздаги «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларини спортга жалб этиш, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиш борасида кўпгина хайрли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.***

Яқинда фонд ташаббуси билан «Болаларимиз соғлиги — бойлигимиз» шиори остида яна бир хайрли тадбир амалга оширилди — пойтахтимиз ва вилоятларда жойлашган бир нечта «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари турли бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинди. Суғурта маблағи умумий ҳисобда 248 миллион сўмни ташкил этди. Бу хайрия тадбири «Кафолат» давлат акциядорлик-суғурта компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилиб, унда юртимизнинг Чирчиқ, Бўка, Кўқон, Андижон, Жиззах, Марғилон ва Тошкент шаҳарларидаги 12 та «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, пойтахтда жойлашган «SOS — Болалар маҳалласи»да вояга етаётган болалар бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинди. Бу муассасаларнинг ҳар бир тарбияланувчисига суғурта қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар топширилди. Шунингдек, «Кафолат» ДАСК ходимлари ҳар бир муассасада бўлиб, суғурта кўринишлари ва уларни расмийлаштириш борасида тарбиячилар ва болалар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордилар.

Жорий йилда «Меҳржон-спорт» жамоат фонди томонидан «Меҳрибонлик» уйлари, махсус интернат-мактабларда тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг сузиш, шахмат ва дзюдо турлари бўйича «Олимпиада умидлари» мусобақалари ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, бу муассасаларга турли йўналишларда ҳомийлик ёрдами кўрсатилиши ҳам назарда тутилган.

**З.КАРИМОВ,**
**«Кафолат» ДАСК мутахассиси.**

**СУРАТДА:** *Тошкент шаҳридаги 31-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларига суғурта ёрлиқлари топширилди.*

Давра суҳбати

Тошкент шаҳри

# ОИЛАДА НИЗО ЧИҚСА...

## у маҳалланинг ўзида ечим топиши лозим

***Мамлакатимизда ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ислоҳотлар орқали оилавий ажримларга барҳам бериш, фарзандларнинг камол топиши учун соғлом маънавий муҳитни вужудга келтириш кўзда тутилади.***

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошидаги оилавий низоларни бартараф этиш комиссияси ташаббуси билан Мирзо Улуғбек туманидаги Гулистон маҳалласида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Унда иштирок этган “Маҳалла” жамғармаси, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, Олий Мажлис депутатлари, туман ФҲДЁ бўлими мутасаддилари ҳамда туман маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, хотин-қизлар билан ишлаш ва яраштириш комиссиясиялари раислари оилавий низоларнинг келиб чиқиш сабаблари, оталикни белгилаш, ёшларни мустақил турмушга тайёрлаш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш каби масалаларни муҳокама қилишди.

— Маълумки, фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда бир қатор йўналишлар бўйича жамоатчилик асосида тузилган комиссиялар иш олиб бормоқда, — дейди “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари, шаҳар “Оила” илмий-амалий маркази раҳбари Гулнора Йўлчиева. — Улар томонидан амалга оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Лекин шунга қарамай, оилаларда юзага келаётган можароларнинг олдини олиш, ажримлар сонини камайтириш борасида бажарилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Оилавий муносабатларда юзага келадиган низолар биргина шу оиланинг ёки маҳалланинг муаммоси эмас, балки барчамизнинг, бутун жамиятимизнинг муаммосидир. Шу боис уларнинг ечимини топишда маҳалла мутсаддилари, хотин-қизлар қўмиталари, “Оила” марказлари, ФҲДЁ бўлимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорлик қилишимиз ва биргаликда зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Тадбирда туман бўйича ўтган йилда қайд этилган ажримлар, оилавий низоларнинг сони, уларнинг келиб чиқиш сабаблари юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

— Ўтган йилда маҳалламиздаги иккита ёш оила ажрашишга қарор қилишганди, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги Олтинтепа-5 маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш ва яраштириш комиссияси раиси Мукамбар Абдуқодирова. — Биз ушбу оилалардаги муҳитни яхшилаб ўргандик. Дастлаб келин, кейин унинг турмуш ўртоғи билан суҳбатлашдик. Уларга ажрашиш орқали катта хатога йўл қўйишларини тушунтиришга ҳаракат қилдик. Келинга эса турмуш ўртоғи, қайнона-қайнотасига нисбатан қандай муомалада бўлиш ва шу каби оилавий муносабатлар юзасидан маслаҳатлар берилди. Шукрки, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Улар ажрашиш ниятидан қайтдилар. Анча вақтгача бу оилалардан тез-тез хабар олиб турдик. Ёшларимиз кўп ҳолларда билиб-билмай хатога йўл қўйишлари мумкин. Бунинг оқибатида эса нафақат иккала ёш, балки уларнинг яқинлари ҳам азият чекишади. Шунинг учун биз катталар уларга ҳар томонлама ўрнак бўлиб, оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасида фарзандларимизга зарур маслаҳатларни бериб боришимиз керак.

**Наргис БЕРДИБОЕВА,**
**“Mahalla” мухбири.**

Олам турфа



### ВАЗНИ КАМУ, ПУЛИ КЎП ПОЛИЦИЯЧИЛАР

***Мексиканинг Агуаскальентес шаҳри маъмурияти вазнини камайтиришга, яъни озишга муваффақ бўлган полиция ходимларига қўшимча ҳақ тўлашни режалаштирмоқда.***

Полициячиларнинг семириб кетишига қарши бу тарзда курашиш лозимми ёки йўқ, деган савол кейинги ҳафтада шаҳар ҳокимлигида муҳокама этилади. Агар ушбу таклиф қўллаб-қувватланса, полиция ходимлари йўқотган ҳар бир килограмм ортиқча вазни учун 100 песо (9 доллар)дан пул олишади.

Агуаскальентес шаҳри ҳукумати ўзининг бундай режасини шаҳар полициячилари орасида семириш ҳолати кўпайиб бораётгани билан изоҳлади.

### КОМПЬЮТЕР ЎЙИНИ ҲУШИДАН АЙИРДИ...

***Бельгиянинг Ля Лувьер шаҳрида ҳам руҳан, ҳам жисмонан оғир аҳволдаги 15 ёшли ўқувчи шифохонага ётқизилди.***

Унинг бундай аҳволга тушишига компьютер ўйинлари сабаб бўлган. Болакай қишки таътилда асосий вақтини компьютер ўйинларини ўйнашга сарфлаган.

Оқибатда ишдан қайтган онаси уни беҳуш ҳолда кўрди. У ўғлини ҳушига келтиролмагач, “Тез ёрдам” чақиртиришга мажбур бўлди.

Шифокорлар болакайнинг кома ҳолатига тушиб қолганини маълум қилишган.

Улар икки кеча-кундуз давомида болакайни ҳушига келтиришга уринишди. Ниҳоят у ҳушига қайтди ва икки ҳафта давомида тинимсиз компьютер ўйнаганлиги ва сўнгги кунларда ўзини кучсиз ҳис қилганини айтди. Ушбу кўнгилсиз воқеа рўй берган куни эса эрталабга яқин уйқуга ётганини эслай олди, холос.

Халқ саломатлиги — юрт бойлиги

# САРАТОНга ЧОРА – МУРАККАБ АМАЛИЁТ

## бу амалиёт МДҲ давлатлари орасида фақат бизнинг юртимизда ўтказилмоқда

***Бахтнинг боши тансиҳатликдир, деб бежиз айтишмаган донишмандлар. Маълумки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг аниқ механизмини шакллантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Ўтган йиллар давомида бу йўналишда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Тизим фаолиятига қаратилаётган эътибор жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан бир қаторда, тиббиёт соҳаси ходимларининг касб маҳоратини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, шифокор-мутахассисларнинг мураккаб тиббий амалиётларни адо этиш, беморларни замонавий тиббий ускуналар ёрдамида, янгича усулда даволаш борасидаги тажрибалари йилдан-йилга ортиб боряпти. Бу имкониятлар эса ўз ўрнида бугунги кунда дунё миқёсида кўп учраётган турли оғир хасталикларга қарши курашишда қўл келмоқда. Пойтахтимизда жойлашган Республика Онкология илмий марказида ҳам аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, беморларга аниқ ташхис қўйиш ҳамда уларни ноанъанавий усулларда жарроҳлик йўли билан даволаш йўлга қўйилган. Марказнинг қорин жарроҳлиги бўлимида қорин бўшлиғи аъзолари хасталанган беморлар махсус тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга муолажа ёки жарроҳлик амалиёти тайинланади. Бугунги кунда дунё тиббий амалиётида саратон хасталигини даволашнинг илмий асосланган аниқ бир йўналиши белгиланганича йўқ. Марказда соҳа мактабини яратган тиббиёт фанлари доктори, профессор Миржалол Жўраев ошқозон саратонига чалинган беморларни мураккаб операция йўли билан диагностик даволаш усулларини амалиётга татбиқ этиб келяпти. Хўш, бу мураккаб амалиётлар қандай натижа бермоқда?***

— Марказимизда саратон хасталиги ташхиси ва даволаш услуби бўйича жуда кўп илмий йўналишлар ишлаб чиқилган, — дейди М.Жўраев. — Бу йўналишлардан бири меъда саратонида гастроэктамия, яъни меъдани тўлиқ олиб ташлаш амалиётидан кейин ингичка ичаклардан меъда шаклини ва қисман унинг вазифасини бажарувчи резервуар ясаш амалиётидир. Ушбу мураккаб жарроҳлик амалиёти бугунги кунда хасталикка қарши курашда энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Хусусан, бундай амалиёт ва тегишли муолажа ўтказилгач, аксарият беморлар танасидан хасталик белгилари чекиниб, истеъмол қилинган егуликдан қониқмаслик, озиб кетиш, беҳоллик, физиологик имкониятларнинг пасайиши, руҳий тушкунлик каби салбий ҳолатлар барҳам топмоқда.

**Шу ўринда ошқозон саратонининг келиб чиқиш сабаблари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблайман. Бу хасталик аксарият ҳолларда гигиеник қоидаларга риоя этмаслик ёки таркибида нитрат моддаси мавжуд (дудланган маҳсулотлар) озиқ-овқатларни кўп истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқади. Айниқса, эркакларда кўп учрайдиган спиртли ичимликлар ичиш, тамаки чекиш каби зарарли одатлар эса хасталикнинг авж олишига сабабчи бўлади. Демак, унга йўлиқмаслик чораси асосан ҳар бир инсоннинг ўз ихтиёрида.**

МДҲ давлатлари орасида фақатгина бизнинг марказда қўлланилаётган бу жарроҳлик амалиёти тажрибали шифокорларимиз томонидан муваффақиятли ўтказиб келинмоқда. Бугунги кунгача ошқозон саратонига чалинган 25 нафардан ортиқ беморда шу амалиётни ўтказдик. Сўнгги тиббий кўрик натижаларига кўра, операция қилинганларнинг 80-90 фоизи саломатлигини тўлиқ тиклаб олгани маълум бўлди. Фаолиятимиздаги ижобий натижалар бизни янада кенгқамровли изланишга, касбимизга нисбатан масъулият ҳиссини оширишга ундайди.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшовчи 40 ёшли Феруза Абдураҳмонова бир неча йилдан бери ошқозон оғриғидан азият чекиб келган. Ташхис натижалари унинг ошқозон саратони хасталигига чалинганини тасдиқлади. Аёл Онкология марказига мурожаат қилгандаги ўта оғир руҳий аҳволини, дарддан фориғ бўлиш тарихини ҳаяжон билан сўзлайди:

— Тўғриси, бу дардга йўлиққанимни билгач, ҳаётдан умидимни узиб қўя қолгандим. Чунки, саратон касаллигининг давоси йўқ деб кўп эшитган эдим. Охирги илинж сифатида, шунда ҳам оила аъзоларимнинг ўтинчлари билан операцияга рози бўлдим. Операциядан сўнг марказнинг тиббиёт ходимлари “Насиб қилса, ҳеч қандай дардни кўрмагандек бўлиб кетасиз”, деб менга далда беришди. Кўнглимдаги хавотир ҳали тарқамаган, мени шунчаки юпатишмоқда, деб ўйладим. Ўшанда янглишган эканман. Аввало, Худонинг инояти, қолаверса, тажрибали, билимли шифокорларнинг саъй-ҳаракати туфайли саломатлигимни тикладим. Муваффақиятли операциядан сўнг ўтган икки йил мобайнида ўзимни бирон марта ҳам беҳузур сезганим йўқ. Ҳаётдан завқланиб яшаяпман, фарзандларим атрофимда. Бундан ортиқ бахт борми?!

Мамлакатимизда тиббиёт соҳаси ривожига қаратилаётган эътибор ҳамюртларимизга малакали тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтиришда муҳим омил вазифасини ўтамоқда. Зеро, Президентимизнинг таъбири билан айтганда, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

**Мехрож ДАРХОНОВ,**
**журналист.**




*Профессор Миржалол Жўраев шогирдлари билан.*
**Р.ГАЛИЕВ олган сурат**

